

МЕЪРОЖ КЕЧАСИНИНГ БАДИИЙ ТАСВИРИ



Файзулла ИСКАНДАРОВ

Тошкент шаҳар,
Шайхонтохур туман
192-мактаб ўқитувчиси,
мустақил тадқиқотчи

Аннотация

Мақолада Алишер Навоийнинг комил инсон ҳақидаги қарашлари “Хамса” дostonлари муқаддимасидаги наътлар мисолида тадқиқ этади. Наътларнинг мазмуни, уларнинг турлари, китобатчиликдаги ўрни ёритилади. Ушбу боблар Навоийнинг фалсафий, диний-тасаввуфий қарашларини ўрганишда муҳим ўрин тутиши таъкидланади.

Аннотация

В статье исследуется часть вступительных глав поэм (дастанов) «Хамсы», которые посвящены пророку Мухаммеду и в которых раскрываются взгляды Алишера Навои о совершенном человеке. Воспевание пророка занимает отдельное место в творчестве Навои, и оно также связано с созданием каждой поэмы «Хамсы», о чем рассказывает автор данной статьи. Также отмечается, что эти главы важны для изучения философских и религиозно-суфийских взглядов поэта.

Abstract

In this article, the researcher learned a view of Alisher Navoiy for perfection and absolute personality, the role of apostols (nat), using quality traditional chapters from the preamble part of the poem. “Xamsa” Saga is very great fable. Researcher tried to analyze little-studied nats in Navoiy’s studies and substance types of nats in bibliology, by emphasizing the significance of learning Navoiy’s philosophic and religious mystic views.

Калит сўзлар: шоир, дoston, диний-тасаввуфий мазмун, комиллик, комил инсон, наът, васф, меърож.

Ключевые слова: поэт, поэма, религиозно-суфийское содержание, совершенство, совершенный человек, воспевание пророка, восхождение (вознесение на небо).

Keywords: poet, poem, religious-Sufi content, perfection, perfect man, chanting of the prophet, ascent (ascension to heaven).

Шарқда китоботчилик юксак даражада қадрланган. Девон тартиб бериш ва китоб яратишнинг ўзига хос ривожланиш тарихи билан бирга китоботчиликни ижодкорлар орасида кенг тарқалган анъаналари мавжуд эди. Унга кўра, ҳар бир таъби назму насрда намоён бўлган ижодкор, анъанага бўйсунган ҳолда, уни давом эттириш мобайнида ўз ижодининг янги-янги кўринишлари, мазмуний ранг-баранглиги ва албатта, бадиий жиҳатдан етук асарлари билан бойитишга ҳаракат қилган. Буни, аввало, асарнинг анъанавий муқаддима бобларида кўришимиз мумкин. Уларда Аллоҳни улуғлаш, мадҳ этиш, Расулulloҳ васфи, замонанинг улуғ кишилари – ҳукмдорлар,

шахзодалар, пир-рахнамолар ва салафларни васф этиш тақозо қилинади. Мазкур боблар асарнинг умумий мазмунидан ажралиб қолмайди, аксинча, унинг мазмунига уйғунлашади. Шу боис, ҳар бир асарда, жумладан, Алишер Навоий “Хамса” дostonларининг кириш боблари, хусусан, ҳамд ва наът бобларида фикрлар такрори учрамайди, аксинча, шоирнинг янги-янги маърифий ғоялари ўз ифодасини топади.

Кириш бобларида Расулulloҳ мадҳи – наътлар алоҳида ўринга эга. Хамсачилик анъанасига кўра, наътлар “Хамса” дostonларининг кириш қисмида алоҳида анъанавий боблар сифатида ҳамд ва муножатлардан сўнг келади. Шоирнинг фалсафий, ахлоқий-таълимий ва айниқса, комиллик, комил инсон ҳақидаги қарашларини ифодалашда муҳим восита ҳисобланган меърож наътларининг шоир ижодидаги ўрни бекиёсдир.

Шу ўринда меърож ҳақида муайян тасаввурга эга бўлиш талаб этилади. Чиндан, “Меърож – нима?”.

“Қуръон”и карим “Ал-Исро” сурасининг деб номланган (17-сура) 1-оятда Меърож кечаси мана шундай берилган:

“(Оллоҳ) бир кеча, Ўз бандаси(Муҳаммад)ни унга оят-мўъжизаларимиздан кўрсатиш учун (Маккадаги) Масжид ал-Ҳаромдан (Қуддусдаги) Биз атрофини баракотли қилиб қўйган Масжид ал-Ақсога сайр қилдирган (барча айбу нуқсондан) **поқ** зотдир. Дарҳақиқат, у эшитгувчи, кўртувчи зотдир”.

Бу оятга тафсирчи ушбу изоҳни беради: “Бу — меърож, яъни Оллоҳ ҳузурига кўтарилиш қиссаси бўлиб, у пайғамбаримиз (САВ)нинг Мадинага хижрат қилишларидан бир йил илгари воқе бўлгандир. Расулulloҳ айтадилар: «Бир кеча Масжид ал-Ҳаромда эканман, баногоҳ ҳузуримга Жаброил Буроқ исмли отни етаклаб келди ва мени ўша отга миндириб самога олиб чиқиб кетди. Бир зумда Қуддус шахрига етиб келдик. Бу ердаги Масжид ал-Ақсода икки ракаат нафл намозини ўқигач, яна Буроққа миниб, Жаброил билан осмонга йўл олдиқ...»(1, 195).

Алишер Навоий асарлари луғатида меърожни куйидаги 3 та маъноси берилган:

1. Нарвон, шоти. 2. Юқорига кўтарилиш. 3. Муҳаммад пайғамбарнинг Маккадан Қуддусга бориши ва Қуддусдан кўкка чиқиши.

Мана шу илоҳий воқеа вақтлар ўтгани сайин ҳар бир мўмин-мусулмонни хаяжонга солган бўлса, ижодкорларни қўлга қалам олиб ижодга ундаган алоҳида илҳом манбаига айланган.

“Меърож Навоий – Фонийнинг алоҳида севган мавзусидир. Чунки Навоий ҳам, бошқа суфий ёки мутасаввуф шоирлар ҳам Пайғамбар Меърожида тасаввуф ғояларига яқин нарсани ва суфийларнинг руҳ уружи (кўтарилиш), тариқат мақомларини эгаллаб, Парвардигор ҳузурига мушарраф бўлиш ғоясининг исботини кўрадилар. Шу боис Меърож кечаси Расули Акрамнинг коинот бўйлаб сайри, Буроқ отида Жаброил(АС) жиловдорлигида етти қават осмондан ошиши ва Аршга яқинлашиб, Оллоҳ билан суҳбатлашиши катта завқ шавқ, қайноқ илҳом билан тасвирлананади. Бу

табиий, чунки ушбу мавзу ўз хусусияти ва моҳияти билан шоиронадир”(2, 216).

Айнан шу сабабли ҳам, Алишер Навоий ўз асарларида бу мавзуга бот-бот мурожаат этади. Ўзининг барча асарларида бу воқеани таъриф тавсиф этади. Меърож ғазалларни лирик мероси таркибида, меърож кечаси тасвирга бағишланган бобларни эса эпик мероси таркибида кўришимиз мумкин. Хоҳ насрий асарида бўлсин, хоҳ назмий асарида бўлсин ҳар гал ижодкор, ушбу мавзунини янги-янги тасвирлар билан бойитади. Ўзининг илғор ахлоқий-маърифий қарашларини такрорланмас ташбеҳларга тўла мисралар орқали баён этади.

Алишер Навоий “Хамса”сининг барча дostonлари муқаддима қисмида алоҳида-алоҳида меърож боблар мавжуд. “Ҳайрат ул-аброр” да 53 байт, “Фарҳод ва Ширин”да 68 байт, “Лайли ва Мажнун”да 100 байт, “Сабъаи сайёр”да 92 байт ва “Садди Искандарий”да 122 байтни ташкил этади.

“Ҳайрат ул-аброр”даги меърожга бағишланган бешинчи наът 53 байтни ташкил этади. Дostonдаги ушбу наът зулмат қоплаган кеча тасвири билан бошланади. Шоир манзарани шундай тасвирлайдики, кўз олдимизга қуёш ботиб, қоронғулик чўлғаган осмон яққол гавдаланади.

*Бир кеча зулматқа қолиб коинот,
Меҳр ниҳон ўйлаки айнул-ҳаёт.
Гарчики ул чашма назардин қочиб,
Хизр кўк узра қатаротин сочиб.*

Меҳр (қуёш – Ф.И.)нинг ботиши туннинг туғилишига сабаб. Ҳар доим такрорланадиган табиий жараён. Бу жараён Навоий қаламида яна бир янги талқинини – ҳаётини топади, гўё. Обиҳаёт сингари меҳр (қуёш) кўздан яширинган бўлса ҳам, Хизр кўк узра қатрлар (юлдузлар – Ф.И.) сочарди. Шоир таносубдан фойдаланган ҳолда, кечани тасвирлар экан Хизр ҳақидаги ривоятга ишора қилиб, талмеҳдан моҳирона фойдаланади. “Улуғ шоирнинг бадиий тафаккурида биз унинг ўзгача жилода товланишини кўрамиз. Зулмат ва Хизр эгизак тушунчалар. Искандар ва Хизр ўша зулмат қаъридан оби ҳайвон – боқийлик сувини излашди. Ривоятга кўра, уни қўлга киритиш Хизрга насиб этди. Аллоҳ инояти туфайли унинг тақдирига мангулик битилди”(3, 91). Ижодкор бундай диний мавзулардан яхши хабардор. Навоий ана шу воқеалардан усталик билан фойдаланиб, мисраларга улкан масъулиятни юклайди. Кейинги мисраларни кузатар эканмиз, Навоий Расулulloҳ йўлга чиққунларигача бўлган осмон ҳолати, самовий жисмлар: сайёралар, юлдузлар яъни, коинотдаги энг кичик заррадан улкан сайёрагача – ҳамма-ҳаммаси илоҳий воқеани кўришга тайёрланади, комиллар комили, хотам ул-анбиё йўлига интизорлик билан боқади.

Тун чангларини анбарга айлантлар, жаннат шабадалари уни ер устидан сочарди. Ер эса юмалоқ шаклдаги хушбўй айланарди. Қоронғулик унга гўё анбар тайёрлаётгандек эди.

*Тун қилибон гардини анбарсиришит
Бутратибон ерга насими беҳишит.
Ер куравий шакл ила миҷмар бўлуб*

*Кеча саводи анга анбар бўлуб,
Ўт киби ер мижмари остида меҳр,
Ёниб этак мижмари узра сипеҳр.
Ёғубон орому сукун ёғини,
Паст қилиб ҳодиса туфроғин.*

бу кеча тасвирида Навоий нафақат истеъдодли шоир, балки, илми нужум, фалакиёт, риёзиёт каби илмларнинг ҳам мукаммал билимдони сифатида кўз олдимизда намоён бўлади. у чизаётган тун манзараси кўнгилга кўчиб ўта бошлайди: Куёш яширинган, осойишта ва қоп-қора тун. Ой чиқмаган, тун ўзгача байрамона кўринишда. Ҳаводан битмас-туганмас хид анқиб, жаннат шабадаси эсиб турибди. Ер курраси эса ўчоққа ўхшайди. Кечанинг қоронғулиги анбар (оловга сепиб, уйни хушбўй қиладиган доривор)дек. Кўк осмон эса мисоли ўчоқ устига ёпилган этак... Шоир мисралар давомида Расулulloҳнинг яқинлашиб келаётган учрашув олдидаги ҳаяжонига ўтади:

*Васл хаёлидин этиб кўнгли жўш,
Баҳрдек ул жўш ила айлаб хуруш.*

Кўнгил васл хаёли билан банд бўлиб, денгиздек жўш уриб ҳайқирган пайтда, Жаброил алайҳиссалом Буроқ оти билан келиб, Ҳақдан салом айтиб Ул зоти мунавварни ўз ҳузурига чорлагани етказди:

*Ким этиб ул сойири улвий мақом,
Илгида бир тойири улвий хиром.*

“Навоий осмон жисмларининг интизорлигини баён этишдан олдин Расулulloҳ с.а.в.нинг ўз ички кечинмалари – Тангри билан мулоқат муждасидан юраги беором, жони ичига сиғмай қувонишини кўрсатган:

*Чунки набий муждаи жонон топиб,
Муждаи жонон чу топиб, жон топиб.
Пайки они қўлдабон отландуруб,
Раҳшини келган сори – ўқ ёндуруб” (4, 47).*

Ана шундан сўнг, Расулulloҳ Буроқ отида олий мақом сари Жаброил ҳамроҳлигида йўлга чиқди. У бу йўлни босиб ўтар екан, аввал Ой унга бу йўлда туйнук вазифасини бажарди. Барча сайёралар бу воқеани хурсандчилик билан кутиб олади. Шу тариқа Пайғамбаримиз самога кўтариларкан йўл-йўлакай аввал Ой, кейин Зухра, Баҳром ва бошқа сайёралардан бирма- бир ўтади:

*Зухра тараб барбаратини ноз этиб,
Замзамаи таҳният оғоз этиб...
Меҳрида Баҳромки якрў бўлуб,
Тиги шараф йузига кўзгу бўлиб.
Мавкибидин поя топиб Муштарий
Йўлида бир бўлиб минбари.*

Навоий бу бобдаги тасвирлардан мақсади, биринчидан, “ғоят оригинал ташбиҳ ва истиора, ийҳомлар билан осмон жисмларини таъриф этиш; иккинчи тарафдан, осмон жисмлари, ердаги ашёларни инсон идрокига, ҳаётга

яқинлаштириб, жонлантириб байтлар тузиш. Гўё самовий жисмлар ҳам образ ва ҳам моддий мавжуд ашёдек таассурот қолдиради ўқувчида”(2, 211).

Соясидин меҳр чиқармай жамол

Тахти шуо ичра нечукким ҳило.

Халқимизда “Ойнинг ўн беши ёруғ, ўн беши қоронғу” деган гап бор. Яъни, ернинг қуёш атрофида ойни ер атрофида айланиши, сайёралар тўхтовсиз доимий ҳаракати бизга маълум. Ана шу доимий ҳаракат натижасида Ой “ҳилол”, “бадр” кўринишларида товланади. Гўё бизнинг назаримизда, ҳар ўн беш кунда янгиланиб туради. Бу табиий ҳодисадан усталик билан фойдаланган шоир шундай дейди:

“Ўз сояси билан ҳамма ёқни беркитган Меҳр (Қуёш – Ф.И.) унинг – ойнинг ҳам жамолини тўсди. Аммо ой ушбу воқеанинг гувоҳи бўлиш учун гўё яшириниб ҳилол бўлиб кузатар эди”. Шоир кеча чиройини тасвирлашда давом этар экан, таъриф тавсифни кучайтириб, оҳорли мисраларда нозик дид ва теран фикрлашни талаб этадиган сермазмун байтларни битади:

Шамъи Зуҳал зулматини нур этиб

Зангийи шабрангни кофур этиб.

Ҳам Ҳамалу Савр бериб жон анга,

Жон этибон иккиси қурбон анга.

Ҳам тонгибон оллида Жавзо камар,

Ҳам Саратон туз бўлубон жилвагар.

Шер йўлидин тутубон гўшае

Сунбула раҳшига бўлуб тўшае.

Палла йўли гардидин иксирсанж,

Ақраб аро нўшу даво, нишу ранж.

Қавс тутуб чилла дуоси учун,

Жади бериб фулла гизоси учун.

Далва Юсуф киби солмай назар,

Ҳутта Юнус киби қолмай мақар.

Тарихдан маълумки, илк инсонлар дунёқараши табиат ва атроф- муҳит таъсирида шаклланган. Табиат ҳодисаларига бир мўъжизадек ёхуд бир илоҳий кудратдек қарашган. Айниқса, “қадимда осмон жисмлари – сайёралар, юлдуз туркумлари, буржлар турли хислат ва хусусиятларга эга деб қаралган. Улар инсон тақдири ҳамда ҳаёт ҳодисалари билан вобаста қилиб тушунтирилган ва кўпининг номи ҳайвонларнинг номи (қисқичбақа, хўкиз, балиқ каби) ёки инсонга керак ашё – асбоблар (далв, тарози) ёинки инсон касб-кори (камон отувчи каби) билан боғлиқ”(2, 213). Шу билан бирга, айти шу мисрларда шоир она тилимиз жозибасини яна бир бор намоён этади.

“Алишер Навоийнинг сўз хазинаси бой. У туркий – ўзбек тили имкониятларини пухта билади. Ўша зукколик ойлар номининг берилишида ҳам намоён бўлади. Улуғ шоир Асад ўрнида Шерни қўллайди. Мизонни Палла билан ифодалайди” (3, 93).

Астрономия фанидан бизга маълумки, барча сайёралар, юлдузлар туркуми ернинг қуёш атрофидаги йўли бўйлаб жойлашган. Ер ўзининг йиллик ҳаракати давомида ана шуларнинг барчасини айланиб чиқади. Натижада ерда

фасллар, ойлар ва кеча-кундузнинг доимий равишда алмашилиб туриши давом этади. Ижодкор ана шу ойларнинг зиммасига ҳам кеча тасвири баҳонасида улуғ вазифани юклайди. Барчаси олий мақомли сайёҳ (Муҳаммад с.а.в. – Ф.И.)нинг йўлида интизор, хизматига шай. Зуҳал қоронғуликни ёритса, Ҳамал билан Савр жонини қурбон қилишга тайёр. Жавзо, Саратон ва Шер (Асад) бир бўлиб бир гўшада хизматга шай ҳолда ўзини тик тутиб жилва қилади. Сунбула эса у зотнинг нинг оти –Буроққа озуқа бўлса, Палла унинг йўлини ўлчар эди. Ақраб даволаш билан банд. Бу пайтдан унумли фойдаланган Қавс чиллада ўтириб дуо қилишга шўнғиган. Жадий эса унинг розилигини олиш билан овора. Улар шундай овора бўлганида, Коинот сарвари Далвга Юсуф каби қарамай, Ҳутда Юнус каби тўхтамай бир зумда ўтди кетди. Шу тариқа комиллар комили сайёралар, ундан сўнг барча юлдузлар туркуми – буржлардан ўтиб охири Арш ва Лавҳу Қаламга етти.

*Фарши бўлуб Арш ила Лавҳу қалам,
Кўймоқ учун раҳши аларга қадам.
Рафраф уза нўя қилиб чун кушод,
Ҳамраҳу раҳравга этиб хайрбод.
Қолмади йўлида асло чун макон,
Қилди макон бодияи ломакон.*

Диний манбаларда келтирилишича, Аршга етгандан сўнг Жаброил алайҳиссалом Пайғамбаримизга қолган йўлни факт ёлғиз ўзи босиб ўтишини айтади. У зот Буроқдан тушиб, Рафрафга минадилар ва кўк пардаларини очади. Парвардигор ҳузурига яқинлашадилар. Бу даргоҳ Ломакон бўлиб, Навоий фикрича, бу жой руҳлар маконидир. Бу ерда инсон билган вақт, макон тушунчаларига амал қилинмайди.

*Олти жиҳат қайдидин ихрож ўлуб,
Тўрт гуҳар тарки анга тож ўлуб.
Йўқлуг аёғи била солиб қадам,
Андаки йўли қадам ўлуб адам.
Ўзлугидин нақши намудор йўқ,
Нақши намудоридин осор йўқ.
Чун ўзини айлаб ўзидин халос,
Пардаи иззатда қилиб ўзни хос.*

Шарқ халқлари орасида азал-азалдан олти жиҳат томон ёки тарафлар; тўрт унсур каби тушунчалар мавжуд. Навоий ушбу тушунчалардан ўз ўрнида моҳирона фойдаланган. Олти жиҳат – дунёнинг тўрт тарафи (шарқ, ғарб, шимол, жануб) ҳамда юқори ва қуйидан иборат. Тўрт унсур эса сув, ҳаво, тупроқ ва оловдир. Бу тушунчалар барча учун тушунарли. Навоий Ломаконни ана шу воситалардан фойдаланиб таърифляпти. Яъни, бу муқаддас даргоҳда ҳеч қандай олти жиҳат ёки тўрт унсур йўқ. Вақт ва макон тушунчаларини бу даргоҳда ҳеч қандай аҳамияти йўқ. Комиллар комили у ерда нима кўрган бўлса, ҳаммаси боқий, нимаки фоний бўлса, ҳаммаси ташқарида қолди. Шундай қилиб, Алишер Навоий ушбу мисраларда бир томондан, Пайғамбаримиз Муҳаммад с.а.в. нинг ҳақиқий Ёр васлига етишганидан

хурсандлигини кўрсатса, иккинчи томондан, инсон ўзидан, ўзлигидан кечмай туриб ёрга – ҳаққа етишмайди, деган ғояни илгари суради.

Мана шу мисраларда шоир таносиб, ташбеҳ ва талмеҳнинг устаси сифатида намоён бўлади. Биз Меърожнинг Навоийга хос талқинини кўрамиз, ундан қаттиқ таъсирланамиз. Сўзларга ишонамиз. Чунки шоир ижодининг манбаси – чексиз манавий озуқа бўлган Қуръони Каримдир. Ҳадислар пайғамбаримиз қолдирган суннатлар ҳам шу жумладандир. Шу билан бирга, самовий жисмлар – буржлар, ой ва сайёралар, юлдузлар тасвирисиз кўп нарсага эришиб бўлмасди. Зеро, илоҳий китобимизнинг Юнус сурасидаги 5-оят мана буларни ўқиймиз: “У Қуёшни зиё (таратувчи) ва Ойни нур (сочувчи) этган ҳолда йилларнинг ададини ва (замонга доир) ҳисобни билишларинг учун уни (Ойни, манзилларга бўлиб) ўлчаб қўйган зотдир” (5, 3).

Бундан кўринадики, Навоий ижоди ҳам диний ҳам дунёвий манбалардан озиқланган. Шунинг учун байтларда енгил-елпи, шунчаки кўнгил майли учун ёзилган бирорта байт тугул сўзни ҳам тополмаймиз.

Бундай боблар шоир асарлари ғояларининг Ислом асослари билан муштараклигини кўрсатибгина қолмай, Ислом дини тарғиботчиси Муҳаммад с.а.в.нинг сурату сийратида комиллик ва комил инсон васфи тараннум этилганини намоён этади. Зеро, анъанвий боблар сифатида қўлланиб келган наътлардан мақсад ҳам шу эди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Алоуддин Мансур Қуръони Карим таржимаси. – Т.: Чўлпон, 1992. – 195 б.
2. Комилов Н. Хизр чашмаси. – Т. 2005. – 216 б.
3. Воҳидов Р. Алишер Навоий ва Илоҳият. – Бухоро, 1994. – 91 б.
4. Муҳиддинов М. Комил инсон – адабиёт идеали. – Т. 2005. – 47 б.
5. Тақвим. – Тошкент. 2012. – 3 б.
6. Алишер Навоий. Ҳайрат ул-аброр. – Т.: Фан, 1991. – 390 б.